

Yuridik shaxsn ni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"UZBEKISTAN AIRWAYS" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"UZBEKISTAN AIRWAYS" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

306 628 114

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

07.08.2019

750207

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, AMIR TEMUR SHOH KO`CHASI, 41-UY

Tomonidan berilgan:

MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

879230





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
306 628 114

Nomi
UZBEKISTAN AIRWAYS

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyatি
Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirobod tumani, AMIR TEMUR SHOH
KO'CHASI, 41-UY

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
306 628 114

Nomi
UZBEKISTAN AIRWAYS

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyatি
Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirobod tumani, AMIR TEMUR SHOH
KO'CHASI, 41-UY



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 42632403415

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

4 263 240 341 500 so'm

01.05.2023

Guvohnoma olingan sana

879229



01.05.2023

Guvohnoma olingan sana

879229





O'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 42632403415

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

4 263 240 341 500 so'm

01.05.2023

Guvohnoma olingan sana

879229



Илова

“Uzbekistan Airways” АЖ
Ягона акциядорининг
2023 йил “17” апрелдаги
2-сон қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“UZBEKISTAN AIRWAYS”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
У С Т А В И
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

Тошкент – 2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва жамият ягона таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 26 июлдаги 5к-ПО-сонли буйруғига асосан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг қайта ташкил этилиши натижасида ташкил этилган.

1.3. Жамият “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК дирекцияси, шунингдек, “Учувчилар мажмуаси” ДУК, “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” ДУК ва “Ўзавиатехтаъминот” моддий- техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналари негизида ташкил этилган ҳамда ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.5. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

давлат тилида:

лотин ёзувида: “Uzbekistan Airways” aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: “Ўзбекистон Airways” акциядорлик жамияти.

рус тилида: Акционерное общество «Uzbekistan Airways».

инглиз тилида: “Uzbekistan Airway” joint-stock company.

жамиятнинг қисқартирилган номи:

давлат тилида:

лотин ёзувида: “Uzbekistan Airways” AJ;

кирилл ёзувида: “Ўзбекистон Airways” АЖ.

рус тилида: АО «Uzbekistan Airways».

инглиз тилида: “Uzbekistan Airways” JSC.

1.6. Жамият давлат рўйхатидан ўtkазилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат ва инглиз тилларида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Жамият Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон ҳаво йуллари” Миллий авиакомпаниянинг ҳуқуқий вориси сифатида унинг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига эгалик қилиш алоҳида ҳуқуқига эга.

Жамиятнинг асосий фойдаланиш (жойланиш) аэропорти “Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti” МЧЖ (Тошкент шаҳри).

Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари ҳамда Фуқаро авиацияси ҳалқаро ташкилотининг (ИКАО) стандартларига мувофиқ жамият асосий жойланиш аэропортида ўз ҳаво кемалари тураргоҳлари, ердаги (техник ва тижорат) хизмат кўрсатиш учун керакли бино ва иншоотларидан фойдаланишда авиация парвозларини қиласиган ва “Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti”да жойланадиган бошқа авиакомпанияларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқига эга.

Фуқаро авиация соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро келишувлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ИКАО қоидаларига мувофиқ жамият Ўзбекистон Республикасининг миллий авиааташувчи-авиакомпанияси ҳисобланади.

1.9. Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўtkазилган жойга кўра

белгиланади.

Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 41-уй. Индекс: 100060

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzairways.com

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzairways.com

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.10. Жамият:

мунтазам ҳаво қатновларини амалга ошираётганда IATA (Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси) томонидан берилган НҮ шартли белгисидан;

ICAO (Халқаро фуқаро авияцияси ташкилоти) томонидан берилган учувчи-эксплуатация агентлиги сифатида учта харфдан иборат шартли белги UZB, ICAO (Халқаро фуқаро авияцияси ташкилоти) томонидан берилган жойлашувнинг телеграф индекси UTTT шартли белгиларидан фойдаланишга ҳақли.

Жамият ҳаво кемаларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тасвирланган.

Жамият ходимлари белгиланган намунадаги фирма кийимида эга.

1.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида белгиланган тартибда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.12. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг

мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.14. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамият кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – кузатув кенгаши) томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият ижроия органи раҳбари томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.15. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.16. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳукуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

1.17. Ушбу устав билан тартибга солинмаган ҳукуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳукуқий ҳужжатлар, шунингдек халқаро шартномалар ва келишувлар билан тартибга солинади.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади мамлакат ичидаги ва халқаро миёсда йўловчилар, багаж ва юкларни ҳаво йўли билан ташиш, ҳаво транспорти соҳасида бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек акциядорларнинг манфаатлари йўлида фойда (даромад) олишdir.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари ва халқаро қоидалар низомига асосан йўловчилар, юк, ҳар қандай турдаги почта ва почта орқали ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

парвозларни амалга ошириш жараёнида хавфсизликни, шунингдек ҳаво кемаларига сифатли техник хизмат кўрсатишни таъминлаш;

ноқонуний аралашиш ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қаратилган қоида ва амалиётларни ҳамда давлат нормаларнинг талабларини бажариш орқали парвозлар хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш;

ҳаво йўловчи, юк ва почта, техник, эксплуатация ва тижорат юк ортиш – тушириш хизматларини амалга ошириш;

ҳаво кемаларида йўловчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, ҳаво кемалари, шу жумладан хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

ҳаво сафари билан боғлиқ йўловчиларга ахборот тизимларини ва бошқа хизматларини кўрсатиш ва ривожлантириш;

ҳаво кемаларини, двигателлар, асбоблар ва ёрдамчи ускуналарни эксплуатация илиш;

тижорат авиациясининг таълим ва методик хизматларини тақдим этиш;

ҳаво кемалари операцияларини мухандис-техник қўллаб-қувватлаш учун ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун тижорат хизматларини тақдим этиш;

аэронавтика, аэропортлар ва ҳаво сафарлари билан боғлиқ техник ёрдам ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

ҳаво кемалари паркидан, шу жумладан парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштириш ва географиясини кенгайтириш йўли билан самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизим ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиапаркни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш;

рақобатбардошликтини таъмилаш мақсадида йўловчилар, юк, почта ва багаж ташиш соҳасида қулай тариф сиёсатини олиб бориш;

мунтазам йўловчилар ва бошқа фойдаланувчилар учун содиқлик ва аъзолик дастурларини жорий қилиш, шу жумладан бундай мунтазам йўловчилар ва бошқа фойдаланувчилар учун содиқлик ва аъзолик дастурларини жорий қилиш муносабати билан, четдаги товър ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳамкорлик келишувлар тузиш;

инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, шу жумладан акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш;

халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига ва иттифоқига интеграция қилиш;

мамлакат ичида сайёхликнинг барча турлари ва халқаро туризмни ривожлантиришда иштирок этиш;

жамият ходимларини ижтимоий соҳаси моддий базасини ривожлантириш.

2.3. Жамият асосий мақсадларига эришиш учун “давлат хизматлари” бўлмаган қўйидаги фаолият турларини амалга оширади:

халқаро ва ички авиайўналишларда мунтазам ва чартер асосида ҳаво йўловчиларини ва юкларни ташиш;

жамият томонидан амалга ошириладиган парвозларнинг хавфсизлигини ва тартиблилигини таъминлаш мақсадида штурманлик-учувчи, муҳандис-техник парвозларини ва уларнинг диспетчерликларини таъминлашни, шунингдек бошқа турдаги тезкор хизматларни ташкил қилиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

йўловчи ва юк жўнатиш ҳужжатларини нашр этиш, расмийлаштириш ва сотиладиган жойларини (ҳаво кемаларининг сифимини) захирага қўйиш;

жамият томонидан амалга оширилаётган рейсларга, шунингдек тегишли келишув тузилган бошқа авиакомпанияларнинг рейсларига ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси худуди ва унинг ташқарисида авиаташувларни сотиш бўйича агентлик тармоғини ривожлантириш, сотув шахобчаларида жамият агентлари томонидан тариф ва тегишли йигимларни тўғри қўлланишини назорат қилиш;

жамиятнинг рейслари бўйича автоматлаштирилган захира қилиш тизимида йўловчи авиаташувлар учун захира қилиш ва сотиш ҳуқуки билан мутахассисларни белгиланган талабларга асосан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

халқаро ҳаво йўналишларида, шу жумладан шартнома асосида бошқа корхоналарда шунингдек, жамиятнинг чет элдаги ваколатхоналарида ишлаши учун учувчи, техник ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

жамият учувчи мутахассисларини тренажерларда тайёрлашни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний шахслари ва юридик шахслари ходимлари учун ўқув машғулотларини ташкил этиш;

Республика худудида(дан) учиб бораётган йўловчилар, ҳаво кема экипажи ва алоҳида шахслар учун ҳаво кемаси бортида ва ерда овқатланишини таъминлаш;

авиация ҳафсизлигини ва маҳфийлик режимини таъминлаш;

ускуналар ва хизматларни экспорт ва импорт қилиш бўйича воситачилик операциялари, маркетинг тадқиқотлари, халқаро транспорт соҳасида пуллик маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва хаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш;

жамиятнинг фаолияти учун зарур бўлган саноат ва туарар жой бинолари, иншоатлари, меҳмонхоналар ва бошқа обьектларни қуриш ва улардан фойдаланиш;

шахсларга мол-мулк, шу жумладан бино-иншоатлар, ер участкалари, ускуналар, саноат ва тижорат фаолияти учун нотурар жойларни сотиш ва ижарага бериш;

юридик ва жисмоний шахсларни ахборот ва телекомуникация тизимларига киришини таъминлаш;

улгуржи ва чакана савдо, шу жумладан товарларни валютада сотиш хуқуки билан;

мамлакат ичида ва чет элда белгиланган тартибда реклама ва ахборот фаолияти, шу жумладан видео ва кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, нашр этиш ва чоп этиш фаолиятини амалга ошириш;

жамият ходимларини ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий соҳанинг моддий-тезника базасини ривожлантириш;

медицина фаолиятини амалга ошириш;

меҳмонхоналар, автомобилларни ижарага олиш хизматлари, автотураргоҳ хизматлари ва чакана хизматлар билан шуғулланадиган ҳар қандай сайёҳлик ёки унга алоқадор ёки улар билан боғлиқ бўлган ёки уларга алоқадор бошқа фаолият хизматларни амалга ошириш. Юқорида кўрсатилган барча ҳаракатлар Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда амалга оширилиши мумкин ва жамиятни тўғридан-тўғри, тўлиқ ёки қисман ёки бевосита ёки ўхшаш мақсадида компаниялар ёки бошқа юридик шахслардаги акциялар ёки улушларга эгалик қилиш орқали амалга ошириши мумкин.

2.4. Жамият ўз фаолиятини амалга ошираётганда парвоз хавфсизлигини таъминлайди, белгиланган тартибда нохуш ходисаларни, инцедентларни ва уларни юзага келтирувчи шарт-шароитларни, авиатехникаларни заарланишини текширади, уларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқади, шунингдек, қидирув ва авария-қутқарув ишларини ташкил қиласди.

2.5. Жамият мақсадлари ва вазифаларини бажариш ҳамда ишлаб чиқариш ҳўжалик фаолиятини юритиш учун жамиятнинг барча ходимлари ва ташкилий тузилмасига кирувчи корхоналари бажариши шарт бўлган ички ҳужжатларни ишлаб чиқади.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, бошқа меъёрий-хуқуқий

хужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жамиятнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун жамият номидан ўзбек ва хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан ўз вазифаларини бажариш масаласида шартномалар (контрактлар, келишувлар) тузади.

2.7. Махсус руҳсатнома (лицензия) олишни талаб қиласиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда, руҳсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

2.8. Жамият, қўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидир.

Асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш, шунингдек, асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш тақиқланади.

Жамият томонидан асосий фаолиятга хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди **4 263 240 341 500** (тўрт триллион икки юз олтмиш уч миллиард икки юз қирқ миллион уч юз қирқ бир минг беш юз) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм бўлган **42 632 403 415** (қирқ икки миллиард олти юз ўттиз икки миллион тўрт юз уч минг тўрт юз ўн беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият **49 235 458 812 100** (қирқ тўққиз триллион икки юз ўттиз беш миллиард тўрт юз эллик саккиз миллион саккиз юз ўн икки минг юз) сўм миқдорида **492 354 588 121** (тўрт юз тўқсон икки миллиард уч юз эллик тўрт миллион беш юз саксон саккиз минг бир юз йигирма бир) дона номинал қиймати

100 (бир юз) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акция чиқаришга ҳақли.

3.5. Акцияларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

3.6. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.7. Қўшимча акциялар жамият уставида белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.8. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.9. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

3.10. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивиденdlар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамият устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.11. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон

қилинган қўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

3.12. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш

3.13. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.14. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қиласди.

Кредиторлар жамият устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IV.ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок

етиши мүмкін, шунингдек дивиденdlар олиш, жамият тугатилған тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш хуқуқига әга.

4.2. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.3. Жамият қонун хужжатларида назарда тутилған корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мүмкін бўлган акциялар берадиган хуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилған жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хуқуқлар (шу жумладан

мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарҳ бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ молмulkning бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олинган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб

қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

Акциядорлар қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

жамиятнинг акциялариға қонун хужжатларида, ушбу уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий маълумотларни ошкор қилмаслик;

Акциядорлар қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депо

хисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган хукуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган хукуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.3. Акциялар бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендернинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендер тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендер тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар қўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендер жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендер тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендер тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий

ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш хукуқига эга.

7.5. Эгаси ёки эгасининг қонуний хукуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йифилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

7.6. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йифилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукуқига эга.

7.7. Жамият:

устав фондининг ҳаммаси у таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендлар тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.8. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қиласи.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузади. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг камида 5 (беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамият ташкил этиш мақсади, миқдори, ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ белгилаб бериладиган бошқа фонdlар ташкил этиш хуқуқига эга.

IX.ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Жамиятни бошқариш органлари қуийдагилардан иборат:
акциядорларнинг умумий йиғилиши;
кузатув кенгаши;
ижроия органи (бошқарув).

X.ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

10.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, шунингдек

жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва Қонун ва уставга мувофиқ бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

10.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибиغا масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ушбу кенгашнинг ва комиссиянинг (тафтишчиларнинг) сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

устав фондини қўпайтириш ва жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қофозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшлиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг “Ички назорати тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”, “Манфаатлар тўқнашуви бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тартиби тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш;

жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш ва комплайенс сиёсатларини тасдиқлаш;

мажбурий аудиторлик текширувани ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирувчи битимларни белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамият кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун хужжатларида ва ушбу уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкил қилиш ва олиб бориш, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган

“Акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

10.8. Жамиятнинг барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлса, жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Юқорида қайд этилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

XI.ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни ва стратегик бошқарувни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тұғрисида"ги низомга мувофиқ иш юритади.

11.2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат, шундан 2 (икки) нафари мустақил аъзоларни ташкил қиласди.

11.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тұғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равиша эшлитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият бошқарув аъзоларини (бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзgartиши ва қўшимчалар киритиши ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар

микдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси микдорини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгилаш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

ҳар чоракда Жамиятнинг харидлар бўйича масъул ходимининг ҳисоботини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиши (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

кузатув кенгашининг тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурӯхлар)ни тузиш;

акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида ҳайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш, шунингдек ушбу тўғрисида қарорлар қабул қилиш, бунда жамият ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади;

қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган тартибда тузиш.

жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назоратини ва самарали бошқаришни амалга ошириш шаклларини белгилаш, бундай назоратни амалга ошириш ва зарур бўлган тақдирда ваколатли бошқарув органларига нисбатан керакли чораларни кўриш;

жамиятнинг мол-мулкига ва фаолиятига нисбатан давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида ҳамкорлик шартномалари, ишончли бошқарув ва бошқа шартномалар тузиши маъқуллаш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига киритилган ҳолатлар бундан мустасно.

жамият ижро органи раҳбарининг трасформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиҳа оғисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўtkазилиши мумкин эмас.

Жамият мулкини бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади.

11.4. Жамият кузатув кенгаши жамият ижроия органи раҳбарининг (бошқарув раиси) ва ижроия органининг аъзоларини ваколатларини агар улар

жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга.

11.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият бошқарув аъзолари жамият кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган таълаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомда белгилаб қўйилади. Кузатув кенгаши таркибига чет эллик мутахассислар сайланиши мумкин.

11.6. Жамият кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида қўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

11.7. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласида, мажлисларда байённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласида.

Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси

томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув аъзосининг ҳамда жамиятнинг акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор талабига кўра чақирилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисими ўтказиш учун жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси чоракда камида бир марта ўтказилади.

11.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонун хужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахсларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Куйидаги масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;

жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимлар тузиш.

11.11. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини қузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.12. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли

билин (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.13. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгashi аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

11.14. Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига (бошқарувга) ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик коллегиал ижроия органи (бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият бошқаруви 7 (етти) кишидан иборатдир. Бошқарув ишига бошқарув раиси раҳбарлик қиласи.

Кузатув кенгашининг қарорига асосан бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, чет эллик мутахассислар иштирок этиши имконияти бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

12.2. Бошқарувнинг ваколатларига жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.3. Жамият бошқарув раиси жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни

амалга оширади, жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда жамият хуқуқларини ҳимоя қиласи.

12.4. Бошқарув ваколатига қўйидагилар киради:

жамиятнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияларини ишлаб чиқади;

жамиятнинг тижорий техник, инноватцион ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди;

жамиятнинг асосий фаолиятининг лойихасини ишлаб чиқади;

жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқади;

жамиятнинг хаво кемалари, двигателлар, механизмлар ва бошقا ихтисослаштирилган ускуналар паркига бўлган эҳтиёжларини ва уларни сотиб олиш воситаларини, шунингдек, марказлаштирилган манбалар ва инвестиция дастурида назарда тутилган бошқа манбалар хисобидан молиялаштириладиган капитал қўйилмалар ва қурилиш ишлари хажмини белгилайди;

белгиланган тартибда жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг ваколатларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган таркибий бўлинмалар ва корхоналарни фаолиятини ва молиялаштиришни ташкил этиш ишларини бошқаради;

жорий бизнес фаолияти билан боғлиқ операцияларини белгилайди;

мазкур уставда кўзда тутилган жамиятнинг жорий ишлаб чиқариш, тижорат, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширади;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгashi қарорларининг ижро этилишини ташкил этади;

акциядорларнинг амалдаги қонун хужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча хуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун хужжатларида ва жамият ички меъёрий хужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қиласи;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз

вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисбботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди.

12.5. Бошқарув раисининг ваколатлари:

жамиятнинг умумий раҳбарлигини амалга оширади;

жамиятнинг таркибий бўлинмалари ва жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи корхоналар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайди;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар имзолайди;

жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб раками ва бошқа ҳисобларни очади, жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисбботларини имзолайди;

бошқарув аъзолари, ходимлар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда, бошқарув ходимларининг сони доирасида жамиятнинг ташкилий тузилмасига ва жамиятнинг тузилмасига киритилган корхоналарга ўзгартиришлар киритиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган корхоналар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хужалик фаолиятининг асосий прогноз параметрларини тасдиқлади;

штатларни тасдиқлади, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди, жамият таркибий бўлинмалари, бошқармалари, департаментлари, бўлимлари, филиаллари, ваколатхоналари низомларини ва жамиятнинг таркибий тузилмасига кирувчи корхоналарни уставларини тасдиқлади;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлади, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

раис ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг

ваколатларини белгилайди;

жамиятнинг филиали, ваколатхонаси ва ташкилий тузилмасига кирадиган корхоналарнинг раҳбарини тайинлайди;

жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига киравчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

ходимлар томонидан меҳнат интизоми ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлайди;

жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва “Uzbekistan Airways” АЖ Ижроия органи тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

12.6. Бошқарув раиси қуидагиларга ҳақли:

ўз фаолиятига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қиласди;

жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

жамият фаолиятининг тегишли кўрсаткичлари ва эришилган мухим параметрларга мос равишда мукофотлар олиш;

бошқарув раиси қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.7. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгashi қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

жамият кузатув кенгashi ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча хукуқларига риоя этилишини

назорат қилиш;

қонунчиликда кўзда тутилган жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этилмаслигини назорат қилиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни жамиятнинг кузатув кенгаши ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;

бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

жамият тузилмасига кирувчи ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш; жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий ахборотни ошкор қилмаслик;

жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу устав, “Ижроия органи (бошқарув) тўғрисида”ги Низом ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

12.8. Бошқарув раиси ҳар чоракда жамият кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисбот беради.

Бошқарув раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот беради.

12.9. Жамият бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият

бошқаруви мажлисининг баённомаси кузатув кенгашиниң аъзолари талабига кўра уларга берилади.

Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказишни бошқарув раиси ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди. Жамият бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

12.10. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашиниң раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

12.11. Жамият кузатув кенгаши бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият устави қоидаларини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (bekor қилиш) ҳуқуқига эга.

12.12. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорлари самарадорликнинг муҳим қўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

XIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Жамият кузатув кенгашиниң аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини қўзлаб иш тутиши ҳамда белгилангандар тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдида солидар жавобгар бўлади.

13.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда

иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамият кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчини сайлаш) назарда тутилиши мумкин.

Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Тафтиш комиссиясининг аъзолари кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас ва/ёки жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.2. Жамият тафтиш комиссияси 5 (беш) кишидан иборат.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати:

бир йиллик давр ичидаги фаолият якунлари бўйича жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тегишли хulosасини акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига олиб чиқиш;

бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйча жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига қўра хulosса тузиш;

жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани тайёрлаш;

ташқи аудиторлар ва ички аудит хизмати билан учрашувларни ўтказиш, уларнинг иш жараёни ҳақида ва ички назорат, молиявий ҳисобот ва бошқа муҳим масалалар бўйича ахборотларни ва хulosаларини эшитиш;

жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига ва акциядорларнинг йиллик умумий йифилишига олиб чиқиш.

14.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хulosада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

тафтиш комиссиясиининг хulosаси жамият акциядорларининг Умумий йифилишида эшитилади.

14.5. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига кўйиладиган малака талаблари ва тафтиш комиссиясиининг фаолият кўрсатиши тартиби акциядорларнинг умумий йифилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгиланади.

b) Ички аудит хизмати

14.6. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.7. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда баҳолаш орқали жамият бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади:

жамиятнинг бошқаруви раиси, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини;

жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

жамият активларнинг сақланишини, устав капиталидаги 50 фоиз улуш жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни,

шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

14.8. Ички аудит хизматининг ходимлари сўнгги ўн йил ичида камида икки йил давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида амалий тажрибага эга бўлишлари ва қуидаги талаблардан бирига жавоб беришлари керак:

Ички аудиторлик сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

14.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

d) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

14.10. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.11. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

е) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

14.12. Кузатув кенгаши қарорига асосан жамиятда корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчи кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади ва жамиятда корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

14.13. Жамият корпоратив маслаҳатчиси ўз фаолиятини кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ни низом асосида амалга оширади.

f) Комплаенс хизмати

14.14. Кузатув кенгаши қарори билан жамиятда жамиятнинг таркибий

тузилмаси ҳисобланадиган ва жамият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишига жавобгар бўлган Комплаенс хизмати тузилиши мумкин.

14.15. Комплаенс хизмати қузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади ва қузатув кенгашига ҳисобот беради. Комплаенс хизмати қузатув кенгаши ва бошқарув раиси олдида ҳисободордир.

14.16. Комплаенс хизмати жамиятнинг ва унинг таркибий бўлимларини, шу жумладан ички аудит хизмати фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш хуқуқига эга.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият бошқаруви раисининг зиммасида бўлади.

15.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қиласи.

15.3. Жамиятнин йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Ушбу уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд тартибида ҳал қилинади.

17.2. Ушбу уставда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

17.3. Қимматли қофозлар бозори соҳасидаги қонун ҳужжатларига ушбу уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

17.4. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб киради.

Бошқарув раиси



Ш.Худайкулов